


Ака-укаларни яраштирган қурувчи



11:00 / 29.07.2022 3115

Файзли бир хонадонда ўта иноқ бўлган туғишган ака-ука бор эди. Улар ёнма-ён қўшни бўлиб яшар, бирга деҳқончилик қилишар, ҳосилни ҳам бирга йиғиштириб олишар эди.

Кунларнинг бирида ўрталарида бироз келишмовчилик юзага келди. Ўзаро бир-бирини нотўғри тушуниш бошланди. Оқибатда уларнинг ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди. Бу жарлик борган сари тобора кенгайиб, силаи раҳмнинг узилишига олиб келди.

Бир куни катта аканинг эшиги тақиллади. Очиб қараса, моҳир қурувчи иш қидириб келибди. Катта ака қурувчига қараб: «Ҳа, сенга иш бор. Дарёнинг нариги томонини кўряпсанми, у ерда укам яшайди. Менга ёмонлик қилди. Мени ерга урди. Ўртамиздаги барча алоқалар узилди. Мен унга ўч олишга қодирлигимни кўрсатиб қўймоқчиман. Уйимнинг ёнида турган тош бўлакларини кўряпсанми, ана ўша ерга баланд девор қуриб беришингни хоҳлайман. Чунки укамни яна кўришни истамайман», деди.

Қурувчи: «Ўйлайманки, вазиятни тушундим», дея таъкидлади. Ака қурувчига керакли асбоб-анжомлар ва қурилиш маҳсулотларини олиб келиб берди-да, ўзи сафарга кетди.

Орадан бироз вақт ўтиб, сафардан қайтган ака қурилиш якунига етганининг устидан чиқди. Лекин қурувчининг қилган ишидан лол бўлиб қолди. Чунки, қурувчи девор ўрнига дарёнинг икки қирғоғини бирлаштирувчи узун кўприк қурган эди. Шу пайтда ука уйдан ташқарига чиқиб қолди ва сафардан қайтган акасини кўриб, у томон шошиб келди: «Қандай ажойиб акаси-а, мендан зулм кўрган бўлсангиз ҳам ўртамизга кўприк қурдирибсиз-а. Дарҳақиқат, мен сиздек акам борлигидан фахрланаман», деди. Улар бир-бирлари билан ярашиб турганларида, қурувчи нарсаларини йиғиштириб кетишга ҳозирлик кўрди. Ака-ука қурувчига юзланиб: «Кетма, шошмай тур, сенга яна иш бор», дейишди. Лекин қурувчи уста: «Сизлар билан жон деб қолган бўлардим, лекин бошқа шунга ўхшаш кўприклар қуришим керак», деди.

Хулоса

Одамлар ўртасини боғлайдиган кўприк қурувчи бўлайлик, уларни ажратадиган девор қурувчи бўлмайлик.

Одамларнинг бирлашишига, уларнинг қалblлари ўзаро улфат бўлишига сабабчи бўлайлик.

Юртимизда ҳеч бир ака-ука юз кўрмас бўлмасин, бир-бирига меҳр-муҳаббат кўрсатиб яшасин.

Аллоҳ таоло биз мусулмонлар умматини бир тану бир жон қилсин, ихтилофлардан, нафрату адоватлардан ҳамда бўлинишлардан Ўзи асрасин!

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот»

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади